

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЭНЕРГЕТИКА МУАММОЛАРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2021.Т.143.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

КУРБОНОВ НАЖМИДДИН АБДУХАМИДОВИЧ

**ИККИ ЎҚИ БЎЙИЧА ҚЎЗГАТИЛАДИГАН СИНХРОН
КОМПЕНСАТОРНИНГ ИШЛАШ ИШОНЧЛИЛИГИНИ ОШИРИШ**

05.05.01 – Энергетика тизимлари ва мажмуалари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2025

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Content of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Курбонов Нажмиддин Абдухамидович

Икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон компенсаторнинг ишлаш
ишончлилигини ошириш..... 5

Курбонов Нажмиддин Абдухамидович

Повышение надёжности работы синхронного компенсатора с двухосным
возбуждением 29

Kurbonov Najmiddin Abdukhamidovich

Increasing the reliability of a synchronous compensator with biaxial excitation
..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 55

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЭНЕРГЕТИКА МУАММОЛАРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2021.Т.143.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

КУРБОНОВ НАЖМИДДИН АБДУХАМИДОВИЧ

**ИККИ ЎҚИ БЎЙИЧА ҚЎЗГАТИЛАДИГАН СИНХРОН
КОМПЕНСАТОРНИНГ ИШЛАШ ИШОНЧЛИЛИГИНИ ОШИРИШ**

05.05.01 – Энергетика тизимлари ва мажмуалари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2025

КИРИШ (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда электр энергетикани ривожлантиришнинг замонавий талаби истеъмолчиларни электр энергия билан узлуксиз таъминлаш ишончлилигини ошириш, тизимда электр энергия мувозанатини сақлашга эришиш учун синхрон компенсаторларга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда «...электр тармоғи кучланишини тартибга солувчи икки ўқи бўйича кўзғатиладиган синхрон компенсаторлар устида кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Анъанавий синхрон компенсаторлар реактив қувват истеъмолининг чекланган диапазони 40% гача, шунингдек, икки ўқи бўйича кўзғатиладиган синхрон компенсаторнинг реактив қувват истеъмоли 100% ни ташкил этади»¹. Бу борада жумладан, авария ҳолатида тизимда барқарорликни сақлаб қолиш учун икки ўқи бўйича кўзғатиладиган синхрон компенсаторларнинг ишончли ишлашини тадқиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Электр тармоғининг истеъмолчилар уланган жойида кучланиш қийматини бир хилда ушлаб туриш ҳамда истеъмолчиларнинг қувват коэффициентини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда электр энергияни ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш тизимларида юз берадиган носозлик жараёнларни ўрганишга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан, икки ўқи бўйича кўзғатиладиган синхрон компенсаторларнинг ишончли ишлашини таҳлил қилиш бўйича тадқиқотлар устувор ҳисобланади. Дунё иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири бўлган энергетика соҳасидаги бўйлама ва кўндаланг ўқи бўйича кўзғатиладиган синхрон компенсаторларнинг ишончли ишлашини таъминлаш вазифаларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу вазифани ҳал қилишнинг самарали усули, икки ўқи бўйича кўзғатиладиган синхрон компенсатор (ИЎБҚСК) ва асинхронлаштирилган синхрон компенсатор (АСК) лардан фойдаланишдир. Шу билан бирга, электр узатиш тармоқларидаги ўткинчи жараёнлар вақтида шикастланишларсиз, истеъмолчиларни сифатли электр энергия билан таъминлаш самарадорлигини ошириш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Республикамизда истеъмолчиларни электр энергияси билан сифатли ва барқарор таъминлашда янги технологияларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни иқтисодиёт тармоқларига тадбиқ этиш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан “Иқтисодиётни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ҳамда “Яшил иқтисодиёт” технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш, иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш”² бўйича вазифалар белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда, жумладан икки ўқи бўйича кўзғатиладиган синхрон компенсаторларнинг чуқур реактив энергия истеъмол қилиш имконини яратувчи имитацион моделини ишлаб чиқиш, синхрон компенсаторнинг кўндаланг кўзғатиш тизимини

¹<http://www.energetik.energy-journals.ru/index.php/EN/article/view/367>.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

синусоидал ўлчов датчиги орқали ростлаб таъминлайдиган қурилманинг принципиал схемасини ишлаб чиқиш, синхрон компенсаторлар тоқларининг келтириш коэффициентини аниқлаш усулини ишлаб чиқиш ва икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон компенсаторларнинг ишлаш ишончилигини ошириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони ва 2023 йил 28 сентябрдаги ПФ-166-сон «Энергетика соҳасини ислоҳ қилишнинг навбатдаги босқичини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 22 августдаги ПҚ-4422-сон «Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора тадбирлари тўғрисида» ва 2022 йил 6 июлдаги 307-сон «2022 - 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши бўйича тадқиқотлар республика фан ва технологиялари ривожланишининг 2. «Энергетика, энергия тежамкорлик ва муқобил энергия манбалари» устувор йўналишларига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Электр тармоғининг исталган жойида кучланишнинг қийматини бир хилда ушлаб туриш ва истеъмолчиларнинг қувват коэффициентини ошириш ҳамда синхрон компенсаторларнинг ўткинчи режимларида юз берадиган авария ҳолатларини бартараф этиш борасида бажарилаётган илмий ишлардан бири, икки ўқ бўйича қўзғатиладиган синхрон компенсаторнинг ишончли ишлашини ўрганишга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказларида ва олий таълим муассасаларида, жумладан University of Michigan (АҚШ), California Institute of Technology (АҚШ), University of Waterloo (Канада), Polytechnic University of Milan (Италия), Tokyo technology institute (Япония), Бутун Россия электроэнергетика илмий-тадқиқот институти (ВНИИЭ, Россия), Миллий тадқиқот университети (МЭИ, Россия) ва ТДТУ (Ўзбекистон) кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон машиналар ва асинхронлаштирилган синхрон машиналар ривожига ҳам уларнинг назариясини яратишда М.М. Ботвинник, Ю.Г. Шакарян, Н.И. Блоцкий, Н.Н. Щедрин, Л.Г. Мамиконянц, И.М. Постников, И.Д. Урусов, Н.И. Соколов, Е.А. Каспаров, А.И. Лабунец, А.П. Лохматов, М.С. Morsy, Н.Н. Amer, В.В. Hogg, S. Raman, J.C. Clare, A. Kahn, L.M. Ricardo, R.M. Sebastian, шунингдек, республикаимиз олимлари Қ.Р. Аллаев, М.Г. Ахматов, Ғ. Одилов, Ж.С. Салимов, Л.В. Ковешникова М.В. Маркман, Н.Б. Пирматов ва бошқалар катта ҳисса

қўшишган.

Сезиларли муваффақиятларига қарамай, икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон компенсаторнинг ишончли ишлаши етарли даражада ўрганилмаган. Юқоридаги ишларда икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон компенсаторни асинхрон усулда ишга тушириш режимини ўрганиш учун физик математик ва MatLab дастуридаги моделлари ишлаб чиқилмаган ҳамда бу ўткинчи режим атрофлича таҳлил қилинмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация иши бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қарши давлат техника университети “Электр таъминоти ва интеллектуал энергетик тизимлар” кафедрасига белгилаб берилган “Электр тармоқларида энергия ва ресурс тежамкорлиги, синхрон компенсаторлар ишончилигини оширишни, энергия тежамкор технологияларни тадбиқ этиш” мавзусидаги илмий тадқиқот иши режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон компенсаторларнинг кўндаланг қўзғатиш чулғамидаги токини ростлаш орқали чуқур реактив энергия истеъмол қилиш режимида ишлаш ишончилигини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон компенсаторнинг ўта чала қўзғатиш режимида чуқур реактив энергия истеъмол қилиш имконини яратувчи имитацион моделини ишлаб чиқиш;

икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон компенсаторнинг кўндаланг қўзғатиш тизимини синусоидал ўлчов датчиги орқали ростлаб таъминлаш имконини берувчи қурилманинг принципиал схемасини ишлаб чиқиш;

икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон компенсаторлар тоқларининг келтириш коэффициентини U – симон тавсифи ёрдамида аниқлаш усулини ишлаб чиқиш;

икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон компенсаторларнинг ишлаш ишончилиги ошириш имкониятини берувчи қўзғатиш тизимининг электр схемасини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида анъанавий ва икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон компенсатор олинган.

Тадқиқотнинг предметини икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон компенсаторларнинг ўткинчи жараёнлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида ИЎБҚСКнинг ўткинчи режимлари назарияси, Парк - Горев дифференциал тенгламалари, ўткинчи режимларини MatLab дастурида моделлаштириш, олинган маълумотларни таққослаш ва қайта ишлашда математик статистика усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон компенсаторнинг ўта чала қўзғатиш режимида, кўндаланг қўзғатиш чулғамидаги токини ростлаш орқали чуқур реактив қувват истеъмол қилиш имконини берувчи имитацион модели ишлаб чиқилган;

икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон компенсаторнинг кўндаланг

қўзғатиш тизимини, якорь пўлат ўзаги юзасида жойлашган ва йиғинди магнит майдон таркибидан 3-гармоникани ажратиб олувчи синусоидал ўлчов датчиги асосида олинган ўзгарувчан электр юритувчи кучини тиристор ёрдамида бошқариб, ишончли ишлашини таъминловчи қурилманинг принципиал электр схемаси ишлаб чиқилган;

икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон компенсаторлар тоқларининг келтириш коэффициентини U - симон тавсиф ёрдамида якор ва қўзғатиш тоқларининг нисбатлари асосида аниқлаш усули ишлаб чиқилган;

икки ўқ бўйича қўзғатиладиган синхрон компенсаторнинг бўйлама ва кўндаланг қўзғатиш чулғамларига бериладиган ўзгармас ток қиймати ва фазасини ростлаш имкониятини яратувчи қўзғатиш тизимлари схемаси реверсив тиристорли тўғрилагич асосида ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

тармоқ параметрлари ва магнит тўйинишни эътиборга олувчи, икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон компенсатор ишга тушириш жараёнининг математик модели ва уни ҳисоблашнинг алгоритми ишлаб чиқилган;

икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон компенсаторнинг кўндаланг ўқида жойлашган чулғамнинг тоқини ростлаш орқали чуқур реактив энергия истеъмол қилиш режимида ишончли ишлаш қибилляти оширилган;

икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон компенсаторнинг ўткинчи жараёнларини тадқиқ қилиш учун физик ва Matlab Simulink моделлари яратилган.

Олинган тадқиқот натижаларининг ишончилиги ўткинчи режимларнинг физик ва MatLab дастуридаги моделлари ёрдамида олинган натижалар ҳамда уларнинг ўзаро мувофиқлиги, ишлаб чиқаришда қўллашга қабул қилинганлиги орқали асосланганлиги, кўп сонли назарий ва тажрибавий тасдиқлаш натижаларнинг мос келиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти икки ўқ бўйича қўзғатиладиган синхрон компенсатор тоқларининг келтириш коэффициенти аниқланганлиги, синхрон компенсаторни асинхрон усулда ишга тушириш жараёнини ҳисоблаш методикаси такомиллаштирилган ҳамда чуқур реактив энергия истеъмол қилиш иммитацион модели ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тадқиқот натижалари электр тармоқлари истеъмолчилари уланган жойида ишлатиладиган катта қувватли синхрон компенсаторларнинг чуқур реактив энергия истеъмол қилишини кўндаланг қўзғатиш чулғамидаги токни ростлаш асосида бошқарадиган реверсив тиристор тўғрилагичли қўзғатиш тизими электр схемасининг жорий этилиши натижасида электромагнит ва электромеханик ўткинчи жараёнларда ишончли ишлаш қобилиятининг ортишига эришилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон компенсаторнинг ишлаш ишончилигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

икки ўқ бўйича қўзғатиладиган синхрон компенсаторнинг қўзғатиш тизимларига бериладиган қўзғатиш тоқи фазаси ва қийматини ростлаш

имконини яратувчи реверсив тиристорли тўғрилагич асосида ишлаб чиқилган кўзгатиш тизимининг электр схемаси Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги насос станцияларига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 4 апрелидаги 03/17-1198-сон маълумотномаси). Натижада насос станцияларидаги синхрон мотор (синхрон компенсатор)нинг ишга тушиш вақти 40,4% га камайишига эришилган;

синхрон компенсаторнинг бўйлама ва кўндаланг кўзгатиш чулғамларини, якорь пўлат ўзаги юзасида жойлашган ва йиғинди магнит майдон таркибидан 3-гармоникани ажратиб олувчи синусоидал ўлчов датчиги асосида олинган ўзгарувчан электр юритувчи кучини тиристор ёрдамида бошқариб, ўзгармас ток билан таъминловчи қурилманинг принципитал схемаси Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги насос станцияларига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 4 апрелидаги 03/17-1198-сон маълумотномаси). Натижада насос станцияларидаги синхрон мотор (синхрон компенсатор)нинг ишга тушишдаги статор токи 19,6% га камайишига эришилган;

икки ўқи бўйича кўзгатиладиган синхрон компенсаторларнинг электр таъминоти схемаси Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги насос станцияларига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 4 апрелидаги 03/17-1198-сон маълумотномаси). Натижада 112955500 сўмлик иқтисодий самарадорликка эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 10 та илмий-амалий анжуманлар ва семинарларда, шу жумладан, 8 та халқаро (шу жумладан, Scopus маълумотлар базасига киритилган анжуманларда 2 та) ва 2 та республика анжуманларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини нашр этиш учун тавсия этилган илмий нашрларида 9 та мақола 1 та хорижий ва 8 та маҳаллий журналларида чоп этилган, 1 та ЭҲМ дастурлари учун гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация иши таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, 123 номда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат, асосий матн ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти ва ишончлилиги ёритилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилганлиги, ишнинг апробация натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Синхрон компенсаторлар ишончли ишлашининг ҳозирги ҳолати” деб номланган биринчи бобида анъанавий ва икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон компенсаторларнинг ишончли ишлашининг ҳозирги ҳолати кўриб чиқилган. Кўриб чиқилган барча адабиётларда асосий эътибор бериладиган ҳолат бу бўйлама ва кўндаланг қўзғатишли синхрон компенсаторнинг иш режимларининг таҳлили чизиқли назария асосида таҳлил қилинган. Бунда кўндаланг чулғамнинг магнит майдонига таъсири ҳақидаги назарий ҳулосаларнинг тўғрилиги ва икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон компенсаторнинг тавсифлари тажрибада машинанинг ўзида олинмаган.

Роторида иккита қўзғатиш чулғами мавжуд бўлгани сабабли синхрон машиналарнинг тармоқ билан ишлаш ишончилиги ошади. Чунки чулғамлардан бири яроқсиз ҳолатга келса ёки битта ўқ бўйича қўзғатиш йўқолса, синхрон машина битта қўзғатиш чулғами билан анъанавий синхрон машина каби ишлашни давом эттиради. Синхрон машиналарнинг ишончилигини ошириш учун алоҳида ростланадиган ўзгармас ток манбаидан таъминланадиган қўшимча чулғамни ўрнатиш таклифи Н.Н.Шедрин (1932) томонидан киритилган. Кўндаланг қўзғатиш чулғамининг асосий вазифаси динамик режимларда содир бўладиган тебранишларни сўндиришдан иборат. Бу чулғамнинг тезкорлигини ошириш учун чулғам катта актив қаршилиқка эга бўлиши керак.

Амалиётда қўшимча кўндаланг қўзғатиш чулғамини қўллаб турли муаммоларни ечиш мумкин. Н.И.Соколов ва унинг шогирдлари томонидан олиб борилган ноён кутбли бўйлама ва кўндаланг ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон машиналардаги изланишларини янада чуқурроқ деб таъкидлаш керак. Бу ишларда бўйлама - кўндаланг қўзғатиш чулғамли синхрон компенсатор реактив қувватни истеъмол қилишни ошириш учун қўлланилган. Кўндаланг қўзғатиш чулғамининг мавжудлиги фақат синхрон компенсатордаги тебранишларнигина эмас балки электр тизимидаги синхрон генераторлардаги тебранишни ҳам тинчлантириш имконини беради.

Тўлиқ изланишлар сифатида М.Г.Ахматовнинг бўйлама ва кўндаланг қўзғатишли синхрон машиналарга бағишланган ишларини олиш мумкин. ТДТУнинг «Электр машиналари» кафедрасида унинг бошчилигида ноёб база яратилди ва у икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон машиналарни ўрганишга имкон яратди. М.Г.Ахматовнинг ўқув қўлланмасида роторида иккита қўзғатиш чулғами мавжуд синхрон машиналарда тўйиниш ҳисобга олинган ҳолда асосий ишчи тавсифларни ҳисоблаш усуллари ва назарияси келтирилган. Қўзғатишни автоматик ростлаш қонунларини юкламали ва қўзғатишнинг ўзгармаслигига таъсирини, чала қўзғатиш режимларида синхрон машиналарнинг ишлашини яхшилаш, магнит майдон ва у билан боғлиқ бошқа катталиқларни тажрибада аниқлаш усуллари кўриб чиқилган. Синхрон машиналарда олиб борилган назарий ва тажрибавий изланишларнинг натижалари, ҳаво оралиғидаги магнит занжирининг тўйиниши ҳисобга олиниб магнит майдонни ҳисоблашга асосланган ҳолда келтирилган.

Илмий ишларда асинхронлаштирилган компенсаторларда олиб борилган синов тажрибалари ва асинхронлаштирилган компенсаторни ишга тушириш кўриб чиқилган.

Роторда иккита чулғамнинг мавжудлиги синхрон машиналарнинг ишлаш мустаҳкамлиги ва ишончилигини оширади.

Шу билан бирга, ИЎБҚСК лари статик курилмалардан фарқли ўлароқ, қисқа муддатли икки карра ўта юкланишга бардош бера олади, статик компенсаторларда эса бундай натижага фақатгина ўрнатилган қувватни икки баравар ошириш орқали амалга оширилиши мумкин.

Тармоқдаги мумкин бўлган импульсли кучланишга бардошлилик қобилияти ҳам муҳим (масалан, чақмоқ туфайли). Векторли бошқариш тизимига эга бўлган иккита қўзғатиш чулғамининг мавжудлиги анъанавий синхрон компенсаторларга нисбатан янги хусусиятлар ва афзалликларни беради:

- реактив қувватни бошқариш диапазоли кенг, +100 дан –100 Мвар гача (анъанавий синхрон компенсаторлар учун +100 дан –50 Мвар гача);

- қўзғатиш чулғамларидаги токни тескари йўналтириш туфайли реактив қувватни (кучланишни) юқори тезликда ростлаш имкониятини беради;

- тармоқдаги бузилишлар вақтида иш параметрларининг тебранишларини яхши демпферлай олади;

- қўзғатиш тизимида носозликлар юз берганда захира режимларида ишлаш имконияти туфайли ишончли ишлашининг имкониятининг мавжудлиги.

Қўзғатиш тизимидаги турли хил носозликлар бўлса, компенсатор захира режимларида ишлаши мумкин:

- фақат асосий қўзғатиш чулғами орқали ($-40 \text{ Мвар} < Q < +100 \text{ Мвар}$),

- қўзғатишсиз асинхрон режимда ($Q \approx -40 \text{ Мвар}$).

Компенсаторнинг реактив қувватини реверслаш асосий қўзғатиш чулғамидаги ток I_{fd} ни реверслаш орқали амалга оширилади. Реактив қувватни реверслаш пайтида ИЎБҚСК роторининг бурчак ҳолати деярли ўзгармайди. Реактив қувватни реверслаш жараёни динамик жиҳатдан барқарор.

Юқоридагилардан келиб чиқиб СК ларнинг ишончли ишлаш масалалари долзарб бўлиб, уни тадқиқ қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бунда СК ларни ишга тушириш жараёнларини чуқур реактив қувват истеъмол қилиш режимлари ҳамда қўзғатиш тизимининг носозликлари пайтида ишончли ишлаш масалаларини тадқиқ қилиш долзарб вазифалардандир.

Диссертациянинг **“Икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон компенсаторни ишга тушириш”** деб номланган иккинчи бобида анъанавий синхрон компенсатор (АСК) ва икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон компенсатор (ИЎБҚСК)нинг ишга тушириш жараёнлари Matlab Simulink моделлари тузилиб, олинган натижалар таҳлил қилинган.

Диссертациянинг ушбу бобида ИЎБҚСКнинг дифференциал тенгламаларини ёзишда компенсатор тенгламалари тармоқнинг матрицали тенгламалари билан мос туташини кўзда тутилган. Бунинг учун синхрон компенсаторнинг дифференциал тенгламаларини ЭЮК кўринишига ўтказиш усули кўриб чиқилган.

Маълумки, анъанавий СКнинг дифференциал тенгламалари ночизикли ва шу сабабли уларни ечишда маълум қийинчиликлар юзага келади.

Машинанинг бўйлама ва кўндаланг ўқларда бошқа катталикларини ҳам ифодалаш мумкин. d ва q ўқларни қўллаб машина барча катталикларини иккита

ташкил этувчилар билан ифодалаш орқали тўла алгебраик дифференциал тенгламалари ифодаланади.

Икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон компенсаторнинг MatLab Simulink дастурида ишга тушириш жараёни модели қуйидаги (1) Парк-Горев дифференциал тенгламаси асосида тузилади. Бунда тенгламага асосан қўзғатиш чулғами d ва q ўқлари бўйича жойлаштирилган бўлиб, иккита қўзғатиш чулғамига эга бўлади. d ўқи бўйича жойлашган бўйлама қўзғатиш чулғами токини бошқариш орқали тармоқ кучланишини ростланади, q ўқи бўйича жойлаштирилган кўндаланг қўзғатиш чулғами токини бошқариш орқали эса, ротор ҳолати ростланади.


(1) тенгламалар тизимидан фойдаланиб, икки ўқи бўйича қўзғатиладиган СКни асинхрон усулда ишга тушириш жараёнини тадқиқ қилиш MatLab Simulink дастуридаги модели тузилган (1-расм).

Қуйида қуввати 15 кВА, айланиш тезлиги 1500 айл/мин бўлган икки ўқ бўйича қўзғатиладиган синхрон компенсаторнинг MatLab Simulink дастурида ишга тушириш натижалари келтирилган.

2-расмда икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон компенсаторнинг MatLab Simulink дастурида олинган ишга тушириш жараёнидаги актив ва реактив энергиялари ўзгариши графиклари келтирилган бўлиб, бунда синхрон компенсатор 0,25 секундда ишга тушади.


3-расмда икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон компенсаторнинг MatLab Simulink дастурида олинган ишга тушириш жараёнидаги роторнинг тезлиги ва электромагнит моменти ўзгариш графиги келтирилган бўлиб, бунда синхрон компенсаторга 0,25 секунддан бошлаб, синхрон компенсатор синхронизимга кириб ишлашни давом эттиради.

$$\begin{aligned}
 u_d &= -\frac{d\psi_d}{dt} - \psi_q \frac{d\gamma}{dt} - i_d r & \frac{d\psi_d}{dt} + i_d \cdot r_d &= 0 \\
 u_q &= \psi_d \frac{d\gamma}{dt} - \frac{d\psi_q}{dt} - i_q r & \frac{d\psi_q}{dt} + i_q \cdot r_q &= 0 \\
 u_{fd} &= \frac{d\psi_{fd}}{dt} + i_{fd} \cdot r_{fd} & \psi_d &= X_d \cdot i_d + X_{ad} \cdot i_{fd} + X_{1d} \cdot i_{1d} \\
 u_{fq} &= \frac{d\psi_{fq}}{dt} + i_{fq} \cdot r_{fq} & \psi_q &= X_q \cdot i_q + X_{aq} \cdot i_{fq} + X_{1q} \cdot i_{1q} \\
 u_0 &= X_0 \frac{di_0}{dt} + i_0 \cdot r_0 & \psi_{fd} &= X_{fd} \cdot i_{fd} + X_{ad} \cdot i_d + X_{1d} \cdot i_{1d} \\
 & & \psi_{fq} &= X_q \cdot i_{fq} + X_{aq} \cdot i_q + X_{1q} \cdot i_{1q} \\
 & & \psi_{1d} &= X_{ad} \cdot i_d + X_{fd} \cdot i_{fd} + X_{1d} \cdot i_{1d} \\
 & & \psi_{1q} &= X_{aq} \cdot i_q + X_{fq} \cdot i_{fq} + X_{1q} \cdot i_{1q} \\
 & & M_\Gamma &= \psi_q \cdot i_d - \psi_d \cdot i_q \\
 & & \frac{d^2\delta}{dt^2} &= \frac{1}{T_j} (M_T - M_\Gamma) = \frac{1}{T_j} [M_1 - (\psi_q \cdot i_d - \psi_d \cdot i_q)]
 \end{aligned} \tag{1}$$




1-расм. Икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон компенсаторни ишга тушириш жараёнини MatLab Simulink дастуридаги модели


Қуйидаги 4-расмда икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон компенсаторнинг MatLab Simulink дастурида ишга тушириш жараёнидаги статор учта фазасидаги тоқлари ва қўзғатиш тоқининг ўзгариш графикалари келтирилган бўлиб, бунда ишга тушиши тоқининг 5.1 н.б. эканлигини кўришимиз мумкин.



2-расм. Икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон компенсаторнинг MatLab Simulink дастурида ишга тушириш жараёнидаги актив ва реактив энергияси ўзгариш графиги




3-расм. Икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон компенсаторнинг MatLab Simulink дастурида ишга тушириш жараёнидаги роторнинг тезлиги ва электромагнит momenti ўзгариш графиги




4-расм. Икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон компенсаторнинг MatLab Simulink дастурида ишга тушириш жараёнидаги статор учта фазасидаги токлари ва қўзғатиш токининг ўзгариш графиглари

Юқорида олинган анъанавий ва икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон компенсаторларнинг ишга тушириш жараёнлари катталикларини таққослаш натижалари қуйида келтирилган:

а)




б)



5-расм. Аънавий а) ва икки ўқи бўйича қўзғатиладиган б) синхрон компенсаторларнинг ишга тушириш жараёнлари катталикларини таққослаш натижалари

5 а,б-расмдаги аънавий ва икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон компенсаторларнинг ишга тушириш тоқларини таққослаш натижасига кўра, икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон компенсаторнинг ишга тушиши тоқи аънавий синхрон компенсаторнинг ишга тушиши тоқидан 1.21 баробар камлиги яъни 19.6 % камлигини кўриш мумкин. 5 а) ва б) расмдаги аънавий ва икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон компенсаторларнинг ишга тушиш вақтларини таққослаш натижасига кўра, икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон компенсаторнинг ишга тушиш вақти аънавий синхрон компенсаторнинг ишга тушиш вақтидан 1.68 баробар камлиги яъни 40,4 % камлигини кўриш мумкин. Бу эса икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон компенсаторларнинг аънавий синхрон компенсаторларга нисбатан ишга тушиш жараёни самарадорлиги ўртача 29,8% га яхшилигини англатади.

Математик дифференциал тенламалар тизими (1) да тармоқ параметрларини ва магнит тўйинишни ҳисобга олган ҳолда икки ўқ бўйича қўзғатиладиган синхрон компенсаторнинг ўткинчи жараёнини ҳисоблаш алгоритми б-расмда келтирилган.




6-расм. Тармоқ параметрларини ва магнит тўйинишни ҳисобга олган ҳолда икки ўқ бўйича қўзғатиладиган синхрон компенсаторнинг ишга тушиш жараёнини ҳисоблаш алгоритми

Диссертациянинг “Синхрон компенсаторларнинг реактив қувватни истеъмол қилиш режими” деб номланган учинчи бобида анъанавий СК ва ИЎБҚСКнинг реактив қувватни кўпроқ истеъмол қилиш режимидаги вектор диаграммасини куриш ва динамик тавсифини Matlab Simulink дастури ёрдамида моделлаштириш орқали таҳлилига бағишланган.

Икки ўқ бўйича қўзғатиладиган синхрон компенсаторнинг ўта қўзғатиш режимидан чала қўзғатиш режимга ўтгандаги актив ва реактив қувват ўзгариши графиклари 7-расмда келтирилган. Бунда қўзғатиш токи ўта қўзғатиш режимидан чала қўзғатиш режимга ўтганда, икки ўқ бўйича қўзғатиладиган синхрон компенсатор анъанавий синхрон компенсаторга нисбатан чуқур реактив энергия истеъмол қилади. Қўзғатиш токининг манфий қийматларида икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон компенсатор синхронизмдан чиқиб кетмайди. Бу эса икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон компенсаторнинг анъанавий синхрон компенсаторга нисбатан чуқур реактив қувватни истеъмол қилиш режимида ишлаганида ишончли ишлаши юқорилиги англатади.


Юқоридаги 7-расмга кўра икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон компенсаторнинг ўта қўзғатиш режимида қўзғатиш чулғамига 1,7 н.б. да қўзғатиш токи берилганда тармоққа 0,42 н.б. да реактив энергия узатади. Икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон компенсаторнинг чала қўзғатиш режимида

қўзғатиш чулғамига 0 н.б. да қўзғатиш токи берилганда тармоқдан 0,64 н.б. да реактив энергия истеъмол қилганлигини кўриш мумкин. Икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон компенсаторнинг чала қўзғатиш режимидан қўзғатиш чулғамига 0 н.б. да қўзғатиш токи берилганда, анъанавий синхрон компенсаторга нисбатан 0.06 н.б. кўп реактив энергия истеъмол қилишини кўриш мумкин.




7-расм. Икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон компенсаторнинг ўта қўзғатиш режимидан чала қўзғатиш режимга ўтгандаги актив ва реактив қувват ўзгариши графиклари

Қуйидаги 8-расмда келтирилган Икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон компенсаторнинг ўта қўзғатиш режимидан чала қўзғатиш режимга ўтгандаги статор ва қўзғатиш чулғамидаги тоқларнинг ўзгариши графиклари келтирилган бўлиб, ўта қўзғатиш режимидан қўзғатиш чулғамига 1,7 н.б. да қўзғатиш токи берилганда, статор чулғамидан 0,48 н.б. да ток оқиб ўтади. Икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон компенсаторнинг чала қўзғатиш режимидан қўзғатиш чулғамига 0 н.б. да қўзғатиш токи берилганда эса, статор чулғамидан 0,68 н.б. ток оқиб ўтганлигини кўриш мумкин.




8-расм. Икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон компенсаторнинг ўта қўзғатиш режимидан чала қўзғатиш режимга ўтгандаги статор ва қўзғатиш чулғамидаги тоқларнинг ўзгариши графиклари

Икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон компенсаторнинг чала қўзғатиш режимидан қўзғатиш тоқининг манфий қийматида) статор ва қўзғатиш тоқлари ўзгариши графиклари 9-расмда келтирилган.



9-расм. Икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон компенсаторнинг ўта қўзғатиш режимидан чала қўзғатиш режимга ўтгандаги (қўзғатиш токининг манфий қийматида) статор ва қўзғатиш токлари ўзгариши графиклари

Юқоридаги 9-расмга кўра икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон компенсатор ўта қўзғатиш режимидан чуқур чала қўзғатиш режимига ўтганда (қўзғатиш токининг манфий қийматида) анъанавий синхрон компенсаторга нисбатан статор ва қўзғатиш токи чайқалмайди. Бундай режимда икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон компенсатор, анъанавий синхрон компенсаторга нисбатан турғун ишлай олади, яъни икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон компенсатор синхронизмдан чиқиб кетмасдан ишлай олади.



10-расм. Икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон компенсаторнинг ўта қўзғатиш режимидан чала қўзғатиш режимга ўтгандаги (қўзғатиш токининг манфий қийматида) актив ва реактив қувватлари ўзгариши графиклари

Юқоридаги 10-расмга кўра икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон компенсатор ўта қўзғатиш режимидан чуқур чала қўзғатиш режимига ўтганда (қўзғатиш токининг манфий қийматида) актив ва реактив қувватлари ўзгариши графиклари келтирилган.

Қуйидаги 11-расмга кўра икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон компенсаторнинг чала қўзғатиш режимида қўзғатиш чулғамига манфий кучланиш берилганда ротор ҳаракатида чайқалиш кузатилмайди. Бу эса икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон компенсатор аънавий синхрон компенсаторга нисбатан чуқур реактив қувват истеъмол қилиш режимида турғун ишлай олиш қобилиятининг юқорилигини кўрсатди.



11-расм. Икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон компенсаторнинг ўта қўзғатиш режимидан чала қўзғатиш режимга ўтгандаги (қўзғатиш токининг манфий қийматида) ротор тезлиги ва электромагнит моментнинг ўзгариши графиклари


СК ларнинг U – симон тавсифларини ҳисоблашда қуйидаги катталиклар берилган бўлади: статорга келтирилган кучланиш, берилган кучланишда салт ишлаш тавсифининг тажрибадан ёки ҳисоблашдан аниқланадиган магнитловчи ток $I_{\mu d}$, кўндаланг ўқ бўйича синхрон индуктив қаршилик x_q (ёки x_{aq}), статор чулғамининг сочилма индуктив қаршилиги x_s , қўзғатиш токини статор токига келтириш коэффиценти $k = I_f/I_1$.

Қуввати 15 kVA ли СК нинг ҳисобланган ва тажрибадан олинган U – симон тавсифлари амалий жиҳатдан мос тушади ва шуни кўрсатадики, қўзғатиш токининг манфий қийматлари ошиши билан тавсиф тўғри чизикли боғлиқликдан юқорига қараб қайрилади (12 - расм, 1 – эгри чизик). Бу оғиш шу билан тушунтириладики, бунда қўзғатиш токининг манфий қийматлари берилиши роторни ташқарига итаришга мажбурлайди, бу эса θ бурчак ва I_1 токнинг ортишига олиб келади.

Бундан ташқари $P_2=0$ да U – симон тавсифни қуришда қиймати унча сезиларли бўлмаган, лекин кенг кўламда ўзгарадиган исрофларни ҳисобга олиш зарур. Қуввати 30 ÷ 150 MW ли синхрон компенсаторлар учун реактив қувват $Q = 0$ дан ($I_f = I_{f0}$ да) $Q = Q_n$ гача ўзгарганда улардаги исроф тахминан 3 мартагача ўзгаради.

12-расмда 15 kVA ли СК даги исроф ўзгаришининг 2 – эгри чизиғи келтирилган, шу расмнинг ўзида поршенли компрессор ажратилган синхрон

двигател (компенсатор)нинг ($P = 4000 \text{ kW}$, $U = 6 \text{ kV}$, $n = 150 \text{ ayl/min}$) салт ишда олинган $U - \text{симон тавсифи}$ (3 - эгри чизик) келтирилган. Бу двигателнинг тавсифи ҳам манфий қўзғатишда тўғри чизикдан юқорига оғади. Замонавий синхрон компенсаторларда $x_d = 2 \div 2,2$ ва $x_q = 1,2 \div 1,3$ демак кам қўзғатишнинг чегаравий ҳолатида улар фақат $(0,5 \div 0,45)Q_n$ истеъмол қилади.



12-расм. Синхрон компенсаторнинг $U - \text{симон тавсифи}$

Автоматик ростлашсиз қўзғатиш чулғамига қўзғатиш токининг манфий қийматларини бериб истеъмол қилинадиган реактив қувватни $Q = (0,6 \div 0,75)Q_n$ гача ошириш мумкин. Қўзғатишни автоматик ростлашни қўллаб, бу қувватни $Q \approx 0,8$ гача олиб бориш мумкин. Кўндаланг якорь реакциясини компенсацияловчи қўшимча кўндаланг чулғамни роторда қўллаш билан истеъмол қувватини номиналгача етказиш мумкин, яъни ишончли ишлаш чегараси ошади, бунда $U - \text{симон тавсиф}$ тўғри чизикли характерни қабул қилади (1' - эгри чизик). Токни чегараловчи омил бўлиб, бунда фақат машинани актив қисмининг ва унинг ён томон тузилиш қисмларининг қизиши ҳисобланади. Бўйлама - кўндаланг қўзғатишли синхрон моторнинг реактив қуввати одатда ушбу ифода бўйича аниқланади:

$$Q = U_d I_q - U_q I_d = \frac{U E_{fd}}{x_d} \cos \theta - \frac{U^2}{2} \cdot \left[\left(\frac{1}{x_q} + \frac{1}{x_d} \right) - \left(\frac{1}{x_q} - \frac{1}{x_d} \cos 2\theta \right) \right] \pm \frac{U E_{fq}}{x_q} \sin \theta \quad (2)$$

бунда E_{fd} , E_{fq} - бўйлама ва кўндаланг чулғамларнинг магнит оқимларини статор чулғамига индукциялаган ЭЮК.


Қўзғатиш чулғами токининг мусбат қийматлар соҳасида кўндаланг

чулғамни реактив қувват қийматига таъсир роли сезиларли эмас, шунинг учун (2) ни охириги ҳадини ҳисобга олмаса ҳам бўлади. Кўндаланг чулғамнинг бу роли қўзғатиш токининг манфий қийматлар соҳасида сезиларли ортади. (2) бўйича реактив қувват ҳисобланганда машинанинг магнит занжири тўйинмаганда, E_{fd} , E_{fq} миқдорлар i_{fd} ва i_{fq} тоқларга пропорционал деб, x_d ва x_q параметрлар эса ўзгармас деб фараз қилинади. Реал тўйинган машинада бу фаразларга ўрин йўқ, шу сабабли (2) бўйича ҳисоблаш катта хатоликлар беради.

U – симон тавсифни ва унинг асосида СК $d - q$ ни реактив қувватини ҳисоблашни таклиф қилинаётган ҳисоблаш услуби амалий жиҳатдан тажриба маълумотлари билан мос тушувчи натижаларни беради.

Таклиф этилаётган қурилма ўзининг тузилиши бўйича юқорида кўриб ўтилган қурилмаларга нисбатан содда ҳисобланади.

Бўйлама ва кўндаланг чулғамли синхрон компенсаторнинг қўзғатишини ростловчи қурилманинг принципиал схемаси 13-расмда кўрсатилган. Бу расмда 1 синхрон компенсатор статори ички сиртида жойлаштирилган магнит майдони учинчи гармоникасининг датчикидир. Бу датчикни статор ички сиртига жойлаштириш бўйича тадқиқотлар олиб борилган.



13-расм. Бўйлама ва кўндаланг қўзғатиш чулғамига эга бўлган синхрон компенсаторни қўзғатишини ростловчи қурилманинг принципиал схемаси

Маълумки, синхрон машиналарнинг ҳаво бўшлиғидаги магнит майдони бир режимдан бошқа режимга ўтганда ўзгаради. Шу сабабли машинанинг турли эксплуатация шароитларида ҳаво оралиғидаги магнит майдоннинг тарқалиш шаклини билиш муҳим бўлади. Аммо турли факторларнинг таъсири сабабли магнит майдонини ҳисоблаш мураккаб ҳисобланади.

Берилган ротор ва статор тоқлари учун ҳаво оралиғидаги магнит майдонининг тарқалиш характери ротор қўзғалмас бўлган ҳолат учун Холл ЭЮК датчиги ёрдамида аниқлаш мумкин.

Холл ЭЮК датчиги ёрдамида ҳаво оралиғидаги, магнит майдонининг тарқалиш характери аниқлашда асосан учта камчилик мавжуд:


1. Ўлчаш натижалари ҳаво оралиғидаги маълум бир узунликдаги магнит индукциясининг қийматини беради;

2. Холл ЭЮК датчиги машинанинг ҳаво бўшлиғига жойлашиши лозим (ҳаво оралиғи 1,5 мм дан кам бўлмаслиги керак);

3. Айрим масалаларни ҳал қилишда ҳаво оралиғидаги магнит майдонининг асосий ва учинчи гармоникаларини билиш талаб этилади. Бундай ҳолларда бу усул ёрдамида тахминий натижа олиш мумкин. Бунда ҳаво оралиғида жойлаштирилган махсус шаклдаги рамкалардан фойдаланиш керакли натижа беради [53]. Ҳаво оралиғидаги магнит майдонининг бўйлама ва кўндаланг ўқлари бўйича учинчи гармоникасини аниқлаш, яъни ажратиб олиш учун қўлланиладиган рамкалар 14-расмда кўрсатилган.

Бу рамкалар нафақат ротори кўзғалмас, балки ротори айланаётган вақтда ҳам ишлатилади. Ушбу рамкаларни тайёрлаш учун миллиметрли қоғозга синусоидалар ва косинусоидалар чизилади, сўнгра калькага ўтказилади. Калькадаги эгри чизиқлар устига диаметри 0,15-0,2 мм бўлган изоляцияли мис сим махсус елим ёрдамида ёпиштирилади ва қуригандан кейин статор сиртига ёпиштирилади.

